

БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТ КАСАЛЛИГИНИ КАЙТАЛАНИШИНИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ОМИЛЛАР

**Исакова Х.Ш., 408 гуруҳ, Тиббий педагогика ва даволаш факультети Илмий
рахбар: ассистент Набиева Д.Д.
ТошПТИ, тери таносил, болалар тери таносил касалликлари ва ОИТС
кафедраси.**

Долзарблиги: Атопик дерматит (АтД) касаллиги болалар орасида учрайдиган аллергия касалликлар ичида кўп тарқалган ҳисобланиб асосан аллергияга мойиллиги бўлган болаларда кўпроқ учрайди. Эпидемиологик изланишлар шуни кўрсатадики атопик дерматит касаллиги кечиши кўпроқ овқатланиш ҳолатига, ёшига, оилавий анамнезига ва психологик ҳолатларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун касалликни болаларда қайталаниш сабаблари аниқ эмас.

Текширув усуллари ва материаллари: Текширувлар асосан ТошПТИ клиникасининг дерматология бўлимида олиб борилди. Текшириш учун 16 нафар 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган атопик дерматит билан хасталанган бемор болалар олинди. Бу беморларнинг 5 тасида АтДнинг экссудатив клиник шакли, 6 тасида АтДнинг эритематоз-сквамоз клиник шакли ва 5 тасида АтДнинг эритематоз-сквамоз лехинификацияга мойил клиник шакли қайд этилди. Шу бемор болаларда касалликни клиник кечиши 6 тасида АтД касаллигини ўртача оғир кечиши ва 10 тасида АтД касаллигини енгил кечуви аниқланди. Беморларда касалликни умумий клиник текшируви, лаборатор таҳлиллари ва нажасни бактериологик текшируви ўтказилди.

Текширув натижалари: Ўтказилган текширувлар натижасида атопик дерматит касаллиги билан хасталанган бемор болаларнинг умумий қон таҳлилида эозинофиллар кузатилган. Умумий нажас таҳлилида ёғ кислоталари, ҳазм бўлмаган мушак тодалари кўплиги аниқланди. Дизбактериозга текширилганда натижалар мусбат. Текширувга олинган бемор болалардан 9 (56,3%) нафари овқатланиш ҳисобига, 3 (18,7%) нафари ўсимликлар чанглари ҳисобига, 4 (25%) нафари оиласида учраётган психологик ҳолатлар ҳисобига юзага келган. Текширувлар кўрсатадики атопик дерматит касаллигига олиб келувчи асосий омил овқатланиш билан боғлиқлиги аниқланди

Хулоса: Олинган натижалар шуни кўрсатадики болаларда асосан атопик дерматит касаллигини қайталанишига олиб келувчи омил бу овқатланишдир 9 (56,3%). Озиқ моддалар асосан ҳазм тракти микрофлораси томонидан парчаланади ва ҳазм бўлади. Парчаланмай қолган моддалар эса ичак микрофлораси фаолиятини бузиб, дизбактериоз ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Акалаев, Р. Н., Э. А. Сатвалдиева, and А. А. Стопницкий. "Эпидемиология и особенности интенсивной терапии острых отравлений мдикаментами у детей." III съезда Ассоциации врачей медицинской помощи Узбекистана.-Ташкент, 2015.-298 с (2015).